

БИЗ УЧУН ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТ ЯРАТГАН ФИДОЙИ БОБОЛАРИМИЗ ХОТИРАСИ МАНГУДИР

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
Хотира ва қадрлаш кунига
бағишланган тантанали маросимдаги
НУТҚИ**

Ассалому алайкум, қадрли
юртдошлар!
Муҳтарам фахрийлар!
Хурматли меҳмонлар!
Сиз, азизларни, кўпмил-
латли бутун халқимизни Иккинчи
жаҳон урушида эришилган ғала-
банинг 74 йиллиги билан чин
қалбимдан самимий муборакбод
этаман.

Бугун барчамиз аввало буюк
Ғалабага бекиёс ҳисса қўшган,
мана шу ёруғ кунларга етиб ке-
лолмаган азиз инсонларни ёд
этамиз, уларнинг хотираси, пок
руҳлари олдида таъзим қиламиз.
Шафқатсиз урушда, машаққатли
меҳнат фронтда мардлик ва жа-
сорат кўрсатган барча фахрий-
ларимизга юксак ҳурмат ва эҳти-
ром, чуқур миннатдорлик билди-
рамиз.

Ҳеч шубҳасиз, орадан қанча
йиллар, замонлар ўтмасин, буюк
Ғалабанинг қадр-қиммати ва аҳа-
мияти тобора ортиб бораверади.
Минг-минглаб жасур ота-бо-
боларимиз дунёдаги кўплаб
халқлар қаторида бу муҳим
урушда чинакам қаҳрамонлик
кўрсатдилар. Бу сўмас жасо-
рат, мана, 74 йилдирки, биз учун
мардлик мактаби, ғурур-ифтихор
манбаи бўлиб келмоқда ва бун-
дан кейин ҳам шундай бўлиб қо-
лади.

Ҳақиқатан ҳам, 9 май – Ға-
лаба кунини эл-юртимизнинг
асл фарзандлари беш йил да-
вомида мардона жанг қилиб,
ёвуз душманини тор-мор этган,
мислсиз талафотлар эвазига
эришган шон-шараф айёмидир.

Бу – ҳеч қачон унутилмайдиган,
ҳеч қандай куч билздан тор-
тиб ололмайдиган буюк тарих,
қудратли маънавий бойлигимиз
десаки, айна ҳақиқат бўлади.

Биз бу тарихдан куч-қувват
оламиз. Бу тарих бизни тинч-
ликни асраб, барча халқлар бил-
лан дўст ва ҳамкор бўлиб, ёруғ ке-
лажак бунёд этишга даъват этади.

Ушбу тантанали, айна вақтда
маънос кунларда ўтмишдан зарур
сабоқ ва хулосалар чиқариш учун
уруш даврига қайта-қайта му-
рожаат қилишимиз табиийдир.

Инсоният тарихидаги энг даҳ-
шатли бу урушда 1 ярим милли-
ондан ортиқ Ўзбекистон фуқа-
роси қатнашган. Уларнинг ярим
миллиондан зиёди ҳалок бўлган,
133 минг нафарга яқини бедарак
йўқолган. 60 мингдан ортиқ ва-
тандошимиз эса урушдан ноги-
рон бўлиб қайтган.

Ўзбекистонлик 120 мингдан
зиёд аскар ва офицер жанг май-
донларидаги жасорати учун
жанговар ордено ва медаллар
билан мукофотланган. Уларнинг

орасида 280 нафар Совет Ит-
тифоқи Қаҳрамони, 82 нафар
учала даражадаги «Слава» ор-
денига сазовор бўлган жасур ин-
сонлар борлигини алоҳида таъ-
кидлаш лозим.

Уша оловли йилларда Ўзбеки-
стонда етти ёшдан етмиш ёшгача
бутун халқимиз «Ҳамма нарсаси –
фронт учун, ҳамма нарсаси – Ға-
лаба учун!» деб яшади, ором ва
ҳаловатдан воз кечиби, тинимсиз
огир меҳнат қилди. Республика-
миз фронтнинг мустақкам таъми-
нот базасига айланди.

Юртимиздан жанг майдонла-
рига 2 мингдан зиёд самолёт, кўп-
лаб қурол-яроғлар, ҳарбий-са-
нитария поездлари, юзлаб дала
ошхоналари, палаткалар, улкан
микдорда озиқ-овқат, кийим-ке-
чак ва бошқа маҳсулотлар еткази-
б берилди.

Ўзбекистон аҳли уруш ҳу-
дудларида кўчириб келтирилган
1 миллионга яқин инсонга
бошпана бериб, ўз нонини улар
билан баҳам кўрди. Айниқса,
ота-онаси, оиласидан жудо бўл-
ган 200 минг нафар бегуноҳ бо-
лаларни «Сен етим эмассан!»
деб бағрига босиб, меҳр-мурув-
ват кўрсатди.

Албатта, бу рақамлар – шун-
чаки статистик маълумотлар эмас.
Бу рақамлар бошимиздан кечир-
ган муҳим уруш оқибатларини
ҳеч қачон унутмасликка чақи-
ради. Шу билан бирга, бугунги
тинч ва ғўзал ҳаётнинг қадрига
етиб, доимо ҳушёр ва огоҳ бў-
лишга, ёшларни Ватанга садоқат
руҳида тарбиялашга хизмат қи-
лади.

Хурматли ватандошлар!
Барчангизга маълум, Иккинчи
жаҳон урушида, меҳнат фрон-
тида иштирок этган мўтабар
фахрийларимизга юксак эътибор
ва ғамхўрлик кўрсатиш Ўзбеки-
стонда олиб борилаётган давлат
сиёсатининг устувор йўналиши
бўлиб келмоқда.

Бугунги озод ва эркин ҳаёт
учун, фарзандларимизнинг бахти
ва камоли учун биз уларнинг ол-
дида чексиз қарздоримиз.

Бу азиз инсонларни асраб-
авайлаш, уларнинг соғ-саломат
ва мазмунли ҳаёт кечиришлари
учун барча шароитни яратиб
бериш – ҳаммамизнинг муқад-
дас инсоний бурчимиздир. Ай-
ниқса, раҳбар ва мутасаддилар
буни биринчи навбатда чуқур
ҳис этишлари лозим.

Биз шу мақсадда бошлаган
ишларимизни бундан буён ҳам
ишчил давом эттирамиз, шу йўлда
давлатимиз ва жамиятимизнинг
бор куч ва имкониятларини са-
фарбар этамиз.



**Бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жон фидо қилган аждодларимиз
хотирасини ёд этиш, эзгу ишларини давом эттириш, сафимизда юрган,
эзу юрт тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларни эъзозлаш
маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган.**

Мамлакатимизда кенг нишонла-
наётган Хотира ва қадрлаш кунини ма-
змун-моҳиятида ана шундай эзгу тамо-
йиллар мужассам.

Ушбу айём кунлари бугунги тинч-
осойишта ҳаётга қандай огир синов ва
машаққатлар эвазига эришилганини
яна бир бор чуқур ҳис этамиз. Бу йўлда
қурбон бўлган юртдошларимиз хоти-
расига таъзим қиламиз.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг
жорий йил 23 апрелдаги «Иккинчи
жаҳон уруши қатнашчиларини рағ-
батлантириш тўғрисида»ги фармони
ҳамда «Хотира ва қадрлаш кунига тай-
ёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чо-
ра-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида
уруш қатнашчилари ҳолидан хабар
олиш, юрт тинчлиги ва озодлиги йў-
лида жон фидо қилган юртдошларимиз
хотирасини ёд этишдек эзгу мақсадлар
ифодасини топган.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, Ик-
кинчи жаҳон уруши қатнашчилари-
нинг ҳар бирига Президентимиз таб-
рикномаси, 7 миллион 500 минг сўм
микдорида бирйўла тўланадиган пул
мукофоти ва байрам совғалари танта-
нали равишда топширилди. Уларнинг
ҳар бирини тиббий ва ижтимоий ҳи-
моя қилиш мақсадида тегишли ходим-
лар бириктирилиб, доимий патронаж
хизмати кўрсатилмоқда. Санаторий-
ларга бепул йўлланмалар ажратил-
моқда.

Уруш қатнашчилари ва фронт орти
фахрийлари билан бирга мустақиллик
йилларида хизмат бурчини бажариш
чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи-
лар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш орган-
лари ходимларининг оила аъзоларига
ҳам моддий ва маънавий ёрдам кўрса-
тилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбе-
кистон Республикаси Маданият, Му-
дофаа, Ички ишлар вазирликлари,
Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар ит-
тифоқи, Бадиий академия, Маъна-
вият ва маърифат маркази, «Ну-
роний» жамғармаси ва «Маҳалла»
хайрия жамоат фонди бошқа ташки-
лотлар билан биргаликда Ватанимиз
озодлиги ҳимоячиларига бағиш-
ланган махсус учрашувлар ва маъ-
рифий-бадиий кечалар ўтказмоқда.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира
майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу
ерга сенаторлар, депутатлар, ҳукумат
аъзолари, ҳарбийлар келган.

Соат 8.30. Майдонга Ўзбекистон
Республикаси Президенти Шавкат
Мирзиёев кириб келди.

Давлатимиз раҳбари Иккинчи
жаҳон урушида жон фидо қилган юрт-
дошларимиз хотирасига ҳурмат бажо
келтирди – ҳарбий оркестр садолари
остида Мотамсаро она ҳайкали пойига
гулчамбар қўйди.

Шу кун Тошкент шаҳридаги Бота-
ника боғида Хотира ва қадрлаш кунини
ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қо-
зилган ғалабанинг 74 йиллигига бағиш-
ланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирга Қорақалпоғистон Респу-
бликаси ва вилоятлардан уруш ва
меҳнат фахрийлари тақлиф этилди.

Давлатимиз раҳбари байрам тад-
бирига келган уруш ва меҳнат фахрий-
ларининг ҳар бири билан алоҳида са-
ломлашиб, ҳол-аҳвол сўради. Уларга
сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилади.
Нуронийлар юртимизга тинчлик-осо-
йишталик, халқимизга фаровонлик ти-
лаб дуолар қилди.

Рамзий саҳнада машҳур ўзбек ге-
нерали Собир Раҳимов кўмондонли-
гидаги дивизиянинг қаҳрамонлиги акс
этирилди. Президент фахрийлар бил-
лан бирга уни томоша қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Хо-
тира ва қадрлаш кунини ҳамда Ик-
кинчи жаҳон урушида қозонилган
ғалабанинг 74 йиллиги билан барча
фахрийларни, бутун халқимизни
табриклади.

Боғда Иккинчи жаҳон уруши дав-
ридаги композициялар инсталляцияси
акс этирилган. Поезд ва ҳарбий те-
хникалар намойиш қилинган. Кўмон-
донлик штаби, окоп ва блиндажлар,
тиббӣёт пункти, дала ошхонаси қурил-
ган. Жанг майдонларида аскарларимиз
кўрсатган мардлик ва жасорат, уруш-
дан қайтмаган минглаб юртдошлари-
мизнинг муқаддас хотираси, ота-бобо-
ларимизнинг фронт орти меҳнат фао-
лияти акс этган.

Саҳна ортидаги улкан мониторда
халқимизнинг уруш даврида кўрсатган
матонати ва жасорати, ёвқур ўғлонлар-
нинг мислсиз қаҳрамонликлари акс эт-
ган лавҳалар намойиш қилинди. Мард-
лик, Ватан, тинчлик тараннум этилган
шиорлардан юраклар жунбушга келди.

Давлатимиз раҳбари ғалабага
катта ҳисса қўшган барча ватандош-
ларимизнинг жасорат ва матонатини
янада чуқур ўрганиш, уларнинг ҳа-
ёти ва фаолияти ҳақида янги илмий
тадқиқотлар, бадиий асарлар, кино-
фильмлар ва спектакллар яратиш,
ёшларимиз қандай фидойи инсон-
ларнинг жасорати эвазига бугунги
тинч ва бахтли замонда яшаётганини
билиши ва бунинг қадрига етиши за-
рурлигини таъкидлади.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Фашизм устидан қозонилган
ғалабанинг 74 йиллиги муноса-
бати билан Ўзбекистон Респу-
бликаси Президенти Шавкат
Мирзиёев номига хорижий дав-
латлар ва ҳукуматлар, халқаро
ташкilotлар раҳбарларидан са-
мимий қутловлар келмоқда.
Жумладан, қуйидагилар ўз
табрикларини йўллаган:

Россия Федерацияси Президенти
Владимир Путин

Қозоғистон Республикасининг
Биринчи Президенти – Элбоши
Нурсултон Назарбаев

Қозоғистон Республикаси
Президенти

Қосим-Жомарт Тоқаев

Қирғизистон Республикаси
Президенти

Сооронбай Жээнбеков

Тожикистон Республикаси
Президенти

Эмомали Раҳмон

Туркменистон Президенти
Гурбангули Берdimухамедов

Беларусь Республикаси
Президенти

Александр Лукашенко

Ўзарбайжон Республикаси
Президенти

Илҳом Алиев

МДХ Ижроия кўмитаси раиси –
Ижрочи котиби

Сергей Лебедев

Қутловлар келиши
давом этмоқда.



Шавкат Мирзиёев 8 май кунини заргарлик
тармоғини ривожлантириш, заргарлик бу-
юмлари ишлаб чиқарувчиларга шароитни
кенгайтириш масалаларига бағишланган
ййилиш ўтказди.

president.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
«Мақтабга таълим тизимини 2030
йилгача ривожлантириш концепциясини тас-
диқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

uz.uz

Давлатимиз раҳбари «Самарқанд
шаҳрида «Россия давлат жисмоний тарбия,
спорт, ёшлар ва туризм университети» Феде-
рал давлат бюджетли олий таълим муассса-
сининг филиалини ташкил этиш тўғрисида»ги
қарорга имзо чекди.

uz.uz

Ҳукумат қарори билан Архитекту-
ра-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб
чиқиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тар-
тиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

«Хуқуқий ахборот» нанали

2019 йилнинг 6-7 май кунлари Ўзбеки-
стон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида
икки томонлама муносабатларнинг шартно-
мавий-хуқуқий асосини инвентаризация қи-
лиш ва такомиллаштириш бўйича Ўзбеки-
стон-Ўзарбайжон вазирликлараро маслаҳат-
лашувлари бўлиб ўтди.

mfa.uz


2019 йилнинг 8 май кунини Ўзбекистон
Республикаси ташқи ишлар вазири Абдула-
зиз Комилов Грузиянинг янги тайинланган
фавқулодда ва мухтор элчиси Зураб Абдуше-
ливилини қабул қилди.

mfa.uz

Афғонистоннинг «Afghan Petroleum &
Gas» (AP&G) компанияси Сурхондарё ви-
лоятида соя етиштириш ва сояни қайта
ишлаш заводи қуриш борасида музокара-
лар олиб бормоқда.

surkhondaryo.uz

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ҲИҚИНГ:



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги НУТҚИ

«1 Азиз дўстлар! Хабарингиз бор, келгуси йили Ҳалабанинг 75 йиллик байрами халқаро миқёсда кенг нишонланади.

Хозирги кунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан бирга бу кутлуғ санани муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрмоқдамиз. Жумладан, Ўзбекистон халқининг буюк Ҳалабага қўшган муносиб ҳиссасини акс эттирадиган, гоят муҳим тарихий маълумотларни ўзида мужассам этган китоб-альбом нашрга тайёрланмоқда.

Айни вақтда Тошкент шаҳрининг энг кўркам масканларидан бирида ушбу шонли санамга бағишлаб улкан Ҳалаба боғини барпо этилди. Бу борада лойиҳа-қурилиш ишларини бошлаб юборганимизни бугун сизларга маълум қилмоқчиман.

Албатта, бу боғ ва унинг таркибида бунёд этиладиган шон-шўҳрат музейини энг гўзал ва пухта ишланган лойиҳалар асосида яратамиз. Аммо бу муҳташам ёдгорлик мажмуасининг маъно-мазмунини, музей экспозициясини шакллантиришда биз муҳтарам фахрийларимиз, тарихчи олимларимиз, ижодкор зиёлиларимиз, кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларига таянамиз.

Шунинг учун буюк Ҳалабага ҳисса қўшган ватандошларимиз ҳаёти, жасорат ва матонатини янада чуқурроқ ўрганишимиз, бу ҳақда янги илмий тадқиқотлар, бадиий асарлар, кинофильм ва спектакллар яратишимиз керак. Ёшларимиз кимларнинг жасорати туфайли қарийб 75 йил мобайнида уруш балосини кўрмасдан, тинч ва бахтли замонда яшаётганимизни билиши ва бунинг қадрига етиши зарур.

Мана, барчамиз гувоҳимиз, ўша даҳшатли жангларда иштирок этган, урушнинг азоб-уқубатларини кўрган кишилар сони, афсуски, камайиб бормоқда. Ҳатто уларни таниган, билган одамлар сафи ҳам камаймоқда. Бундай инсонлар, уларнинг ҳар битта сўзи олтинга тенг бўлиб бормоқда.

Шунинг учун уруш ҳақидаги, уруш қаҳрамонлари ҳақидаги маълумотларни улардан ёзиб олиб, халқимизга етказишимиз керак. Жойларда, таълим-тарбия масканларидан «Маҳалламиз қаҳрамонлари», «Ватан ҳимоячилари» деган тасвирий кўргазмалар ташкил этсак, ўйламанки, нур устига нур бўлади.

Бу кўргазмаларда уруш иштирокчилари билан бирга мустақиллик йилларида тинч-осойишта ҳаётимизни ҳимоя қилиш йўлида мардлик кўрсатган аскар ва офицерларимиз тўғрисида ҳам маълумотлар ўз аксини топиши мақсадида мувофиқдир.

Шу тарихка биз ўз тарихимизни, аجدодларимизга хос жасорат ва матонат туйғусини, жанговар аъёнларни келгуси авлодларимизга мерос қилиб қолдиришга эришамиз. Бу ишларни бугун қилмасак, эртага кеч бўлиши мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, мен барчангизни тарихни ўрганишда янада уйғоқ, янада фаол бўлишга чақирмоқчиман. Тарихга сергак қараган одамгина доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшайди. Бугунги вазиятга ҳам, келгуси жараёнларга ҳам ҳолис ва ҳаққоний баҳо бера олади. Бу эса ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, юксак тараққиётга эришишнинг энг муҳим шартидир.

Азиз дўстлар! Уруш қаҳрамонлари ҳақида гапирар эканмиз, табарруқ Она сиймоси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Чунки эл-юрт ҳимоясини ор-номус иши деб биладиган мард ва ботир ўғлонларни вояга етказган улуг зот — онадир. Урушининг барча азоб-уқубатларини энг кўп тортган инсонлар ҳам муштинар оналаримиздир.

Бамисоли сабр-бардошдан яралган, уруш йилларида муқаддас Ватан тимсолига айланган бундай метин иродали оналар юртимизда кўплаб топилди.

Сўзимнинг исботи учун бир мисол келтирмоқчиман. Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида Зулфия ая Зокирова исмли бир мўътабар онахон яшаб ўтганлар. Том маънода буюк бу инсоннинг жасоратини таърифлашга тил ожиз.

Турмуш ўртоғи Холмат ака вафот этгач Зулфия ая беш ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга етказганлар.

Ҳаммамиз яхши биламиз, она зоти учун фарзанд доғини қуришдан ҳам оғир йўқотиш йўқ. Зулфия ая Зокирова Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш азамат ўғ-

лидан — Исоқжон, Аҳмаджон, Мамажон, Ваҳобжон, Юсуфжон исмли азиз фарзандларидан жудо бўлган.

Ўзингиз айтинг, қадрли дўстлар, ҳар қандай одамни ҳам йиқитиб, аксон қиладиган тақдирнинг бундай бешафқат зарбасига бардош бериш мумкинми?

Лекин Зулфия Зокировадек матонатли, қаҳрамон ўзбек аёли бунга бардош бера олди. Шундай фожiali қисматга беш марта кўксини қалқон қилиб, беш марта ҳам мардона оёққа турди. Бунинг учун одамда қанчалик кучли ирода, қанчалик метин сабр-бардош бўлиши керак!

Ёвуз уруш туфайли аянинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолди. Унинг ўзи эса бир умр мотамда яшайди. Лекин ҳеч қачон умидсизликка тушмади, ўғилларининг сўнмас хотираси, ёруғ кунлар ёди билан, келинлари, набираларининг ҳаёти, орзу-умидлари билан яшади.

«Жойи чиқса, турмуш қилинглари, мен сизлардан мингдан-минг розиман», дейди Зулфия ая келинларига. Лекин улар ҳам Зулфия аядан ўрнак олиб, унга мадад бўлиб, барчаси ўз ёрига, оиласига содиқ қолади, бошқа турмуш кўрмайди.

Мана, ўзбек аёлларининг, ўзбек халқининг ҳақиқий жасорати ва матонати!

Мана, севги ва садоқат мадҳияси, унинг энгилмас куч-қудрати!

Мана, ёшларимиз, фарзандларимиз кимдан намуна ва ўрнак олишлари керак!

Ҳаётда бирон-бир қийинчиликка дуч келса, умидсизликка тушмасдан, уларни бардош билан енгиб ўтишда Зулфия Зокирова ва унинг оиласи ёш авлодимиз учун чинакам ибрат мактаби эмасми?

«Яхшилар ёди ҳеч қачон унутилмайди», дейди халқимиз. Биз эгу ният билан барпо этидиган Ҳалаба боғи марказига Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш ўғли, садоқатли келинлари хотирасига атаб муҳташам ҳайкал ўрнатсак, унга «Матонат мадҳияси» деб ном берсак, нима дейсизлар?

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Бугунги янги ҳаёт, бекиёс ўзгаришлар ҳаммамиздан янгича сафарбарлигини талаб этмоқда. Мана шу жараёнда тинчликни асраш, дунёдаги тараққийпарвар халқлар, давлатлар билан ҳамкорликни кучайтириш бош вазифамизга айланоқда.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида узоқ-яқин барча давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли, дўстона алоқаларни ривожлантириш бундан буён ҳам устувор йўналиш бўлиб қолади.

Айни вақтда яна бир ҳақиқатни ҳам ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Энг катта, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчликка раҳна солиш, турли халқлар ўртасида уруш оловини ёқиб, миллий ва диний эъдиётларни авж олдиришга уринаётган кучлар ҳам йўқ эмас. Бундай ёвуз кучларга қарши курашда аввало доимий ҳушёрлик ва огоҳлик, жаҳолатга қарши — маърифат, бутун халқимизнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлиги ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Шу мақсадда мустақиллигимиз ва тинч ҳаётимизнинг ишончли ҳимоячиси бўлган Қуролли Кучларимизнинг жанговар қудрати ва салоҳиятини янада ошириш, халқ ва армия бирлигини мустаҳкамлаш бўйича улкан ишларни амалга оширмоқдамиз.

Хозирги гоят мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни турли зарарли таъсирлардан асраш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ана шу вазифаларни муваффақиятли адо этишда муҳтарам фахрийларимизнинг жасорати, шонли аъёнлари, ҳеч шубҳасиз, биз учун ҳамиша ибрат бўлиб хизмат қилади. Айниқса, сизлар барча ишларимизда доно маслаҳаттўй, тоғдек таянч бўлиб, халқимизни рози қилиш йўлидаги ислохотларимизга ўз амалий ишларингиз, дуоларингиз билан мадад бериб келмоқдасиз. Ва биз буни юксак қадрлаймиз, сизлар билан чексиз фахрланамиз!

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тинч ва озод, эркин ҳаётимиз, мусофаф осмонимиз учун ўз номидан, кўпмиллатли Ўзбекистон халқи номидан сизларга яна бир бор чуқур миннатдорчилик билдираман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга қут-барака тилайман. Доимо ҳаётимизга файз бериб, эл-юртимиз ардоғида бўлиб юришингизни Яратгандан сўрайман.

Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг! Ҳалаба байрами барчамизга муборак бўлсин!

Катта раҳмат сизларга!



БИЗ УЧУН ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТ ЯРАТГАН ФИДОЙИ БОБОЛАРИМИЗ ХОТИРАСИ МАНГУДИР

«1 Бутун дунёда миллионлаб инсонлар умрига зомин бўлган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар келтирган Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлганини ҳеч ким унутмайди. Уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган. Урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлгани, яна қанча-қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани, қанчаси бедарак йўқолгани ҳисобга олинадиган бўлса, бу Ҳалаба халқимиз учун нақадар қимматга тушгани аяқол аён бўлади.

Халқимизнинг уруш йилларидаги чинакам матонат ва жасорати бутун инсоният учун ибратдир. Ўзбек халқи жанг майдонларидан юртимизга эвакуация қилинган бир миллионга яқин кишига ўз уйдан жой берди. Улар орасидаги 200 минг болани юзлаб ўзбек оилалари «Сен етим эмассан», деб ўз паноҳига олган, охириги бир бурда нонини улар билан баҳам кўрган. Тошкентлик Шомаҳмудовлар оиласи 14 нафар, каттақўргонлик Самадовлар оиласи 12, бухоролик Жўраев ва Ашурхўжаевлар оиласи 8 нафардан болани ўз бағрига олган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги майдони тошкентлик темирчи Шомаҳмудовлар оиласи хотирасига ҳурмат сифатида барпо этилган ҳайкал қайта ўрнатилгани бу бағрикенгликнинг яна бир намунасидир.

Давлатимиз раҳбари айни вақтда Тошкент шаҳрида Ҳалаба боғини барпо этиш бўйича лойиҳа-қурилиш ишлари бошлаб юборилганини қайд этди.

Албатта, бу боғ ва унинг таркибида бунёд этиладиган Шон-шўҳрат музейини меъморий жиҳатдан энг гўзал ва мукамал лойиҳалар асосида яратамиз. Бу муҳташам ёдгорлик мажмуасининг ички маъно-мазмунини, музей экспозициясини шакллантиришда биз муҳтарам фахрийларимиз, тарихчи олимларимиз, ижодкор зиёлиларимиз, кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларига таянамиз, деди Президент.

— 1943 йил урушга кетдим, — дейди Сирдарё тумани Деҳқонобод маҳалласида яшовчи Холқўзи ота Тошқўзиев. — Ҳалабадан сўнг узоқ йиллар кутубхоначи бўлиб ишладим. Турмуш ўртоғим Мухаррамхон билан ўн фарзандни улғайтирдик. Олтидан ортиқ нева-чеварамиз бор. У даврларни эслаш биз учун азоб. Ҳалабага ҳисса қўшган ўнлаб қуролдош дўстларимиз хоки бегона юртларда қолиб кетди. Илоҳим у кунлар қайтиб келмасин.

Саҳнада ва улкан мониторда Иккинчи жаҳон

уруши йилларидаги ҳаёт акс эттирилган лавҳалар намоён бўлади.

... «Хотира мангу» композицияси намоёиш этилади.

Машҳур суҳандон Юрий Левитаннинг уруш бошлангани тўғрисидаги эълонни ўқиган овози янграйди. Йигитлар Ватан ҳимоясига отланади. Мониторда Иккинчи жаҳон уруши воқеалари тасвири акс этади.

— Ўзбекистонда Хотира ва қадрлаш куни нишонланаётгани замирида жуда катта маъно-мазмун бор, — дейди Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Цзян Янь хоним. — Иккинчи жаҳон уруши тугаганига анча бўлди, лекин ундан чиқариладиган сабоқ, хулосалар ҳали ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Бу эса Ҳалабанинг қадр-қимматини янада оширади. Ўзбек халқи ана шу улкан Ҳалабага муносиб ҳисса қўшгани билан фахрланади. Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида фашизмга қарши курашда ҳалок бўлган ўзбекистонликларнинг хотирасини ёд этиш, уларнинг руҳи покларига ҳурмат баҳо келтириш зарурлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, хотира бугунги авлоднинг тинчликни қадрлашга ўргатади. Президентин-

мига мансуб «Сен етим эмассан» шеърининг муаллифдан ёзиб олинган парчалари эшиттирилганда, қалблар ларзага келди.

Алишер Навоийнинг «Мубтало бўлдим санга», Муқимийнинг «Айрилмасин» ғазаллари, Камтарнинг «Аскар мактуби», Хайриддин Салоҳнинг «Мени эслагил», Исроил Ваҳобовнинг «Ўзбекистоним», Булат Акуджаванинг «Нам нужна одна победа», Яков Галицкийнинг «Синий платочек» каби шеърларига басталанган қўшиқлар янгради.

Концерт ҳарбий оркестр ва таниқли хонандалар иштирокида давом этди.

...Уруш тугаб, Ҳалабага эришилгани ҳақида Юрий Левитан эълон қилади.

74 йил олдинги бу қувонч, сурур яна бир бор тадбир иштирокчиларини ҳаяжонга солди.

— Биз бахтли авлодимиз — шундай тинч-осойишта мамлакатда яшаймиз, — дейди Исроил Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети талабаси Гулруҳ Пардаева. — Бунда бобо-бувиларимизнинг, барча нурунийларимизнинг ҳиссаси бекиёс. Президентимиз таъкидлаганидек, уларга ғамхўрлик қилиш, умрларини узайтириш учун барча шароитларни яратиш ҳаммамизнинг фар-



гиз, шунингдек, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлиги бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боришини қайд этди. Биз бу муносабатларни гоят қадрлаймиз. Ўзаро ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам изчил тараққий этаверишига ишонамиз.


Байрам дастурида атоқли шоир ва санъаткорларимизнинг шеър ва қўшиқларига кенг ўрин берилгани Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳиятига мос тушган. Фафур фулом қала-

зандлик бурчимиздир.

Уруш йилларининг аянчли хотиралари, бугунги тинч-осойишта ҳаёт қадри акс эттирилган бадиий дастур қатнашчиларда унутилмас таассурот қолдирди.


9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг нишонланмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА муҳбири



«Ҳалабани Берлинда нишонлаганмиз»

Дангара тумани «Катта турк» МФИда истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Тожибой Мадраҳимов бу йил 94 ёшга қарши олмоқда.



— Мана шундай тинчлик-осойишталик ҳукм сураётган, кексалари улуғланган юртда яшашнинг ўзи катта бахт, — дейди Тожибой Мадраҳимов. — Президентимиз томонидан кўрсатилган ғамхўрлик, иззат-

икром эса қалбимизни қувончга тўлдирмоқда. Илоҳим, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигига кўз тегмасин.

Бобо миллионлаб оилаларнинг ёстиғини қуриб, қалбига битмас жароҳат солиб кет-

ган уруш даҳшатларини унутгани йўқ. Унинг ширин болалик даври қонли жангҳога кечди.

— 1943 йил 17 ёшимда ёлғиз онамни ташлаб урушга жўнадим, — дея уруш хотираларини эслайди Тожибой бобо. — Душманга қарши курашни Украинадан Фарқона вилоятидан бошлаб, Польша, Германия, Берлингача бордим. Уруш тугагач, бир йилдан ортиқ вақт мобайнида Австрияда тинчликни сақлаш учун хизмат қилдим. Ниҳоят 1946 йил ноябрь ойида она юртимга қайтдим.

Тожибой ота урушдан қайтгач, Фарқона педагогика институтига ўқишга кирди. 1957 йилдан 1985 йилгача мактабда ёшларга математика фанидан дарс бериб, ҳалол меҳнати билан эл-юрт олдида ҳурмат, обрў қозонди. 7 нафар фарзандни вояга етказиб уларни олий маълумотли қилди.

Нафақага чиққач, ўзи яшаётган «Катта турк» МФИда маҳалла расиси бўлиб ишлади.

Пир бадавлат Тожибой ота ҳозирда 37 нафар нева, 71 нафар чеваранинг бобоси. Маҳалла-қўйнинг тўйи ҳам, маъракаси ҳам бобонинг маслаҳатсиз ўтмайди. Шунинг учун бўлса керак, бобо доимо халқ ичида. Биз бобо билан суҳбатлашгани борганимизда ҳам Тожибой отани маҳалла фуқаролари йиғини сайловида учратдик.

Тожибой бобонинг уйи ҳамиша меҳмонлар билан гавжум. Отахон маҳалладошлари, ёшлар билан мулоқотларда уларни она Ватанини севиб ардоқлаш, тинчликнинг олий неъмат экани, унинг қадрига етиб яшаш кераклигини айтишдан асло чарчамайди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»

Шукрона

Хотира – абадий, қадр – муқаддас!

Отамни 2017 йилнинг 29 апрелида йўқотдим... Суюнган тоғим, фахрим, мени ҳимоялаб турган кўргоним оламдан ўтди. Ўшанда 9 майга ўн кун қолганди.

Отамнинг азиз бисоти

роқ ярамизни яна янгилади. Журналист Раъно Абдураимова Хотира ва қадрлаш кунни муносабати билан отам ҳақида кўрсатув қилмоқчи бўлган экан...

Вақт – бешафқат ҳакам, ҳаммасини жойига қўяди, йўқотишларга кўникишга мажбур қилади.

Аммо анча вақтгача отамга тегишли жижозлар, китоблар, айниқса, ҳужжат тахламлирини кўздан кечиришга юрагим дов бермади. Ниҳоят, қўлимга сарғайиб кетган ва ушласа тўқилгудай тугунчани олдим. Отажоним бу тугунчани жуда авайлар, биз фарзандларга қўл теккизишга рухсат бермас эдилар...

Отам ҳақида кўп билмаймиз. Вақтида нега сўраб-суриштириб билиб олмаганман, суҳбатлашиб, ўтмишларини ўрганмаганман дея ҳамон афсусланаман. Отамнинг ўзи ҳам саволларга узук-юлуқ жавоб берар, уруш мавзусини четлаб ўтишни истар эди. Хотиралар раҳматли учун оғриқли бўлган бўлса керак. Энди эса мана шу тугунчадаги ҳужжатлар, қоғозлар ва суратларда улар жонланар, отам ҳақида ҳикоя қиларди.

1925 йилда Тошкент шаҳрида туғилган отам Ҳикмат Сағдуллаев 18 ёшида

кўнгили бўлиб урушга кетган (1943 йил сентябрь ойи). Фарғонадаги жанговар тайёргарликдан сўнг 1119-ўқчи полтаркибида Беларусда жангга кирган. Жанглarning бирида оғир яраланиб (1943 йил 14 декабрь), узок вақт беҳуш қолиб кетган. Умрларининг охирига қадар бир рус ҳамширасининг фидойилигини миннатдор бўлиб эслаб юрдилар. Жасадлар ичида ётган аскарнинг ҳали нафас олаётганини сезган ҳамшира қиз отамни елкасига опичлаб, жанг майдонидан олиб чиққан экан.

1943 йил декабридан 1944 йилнинг март ойигача госпиталда даволангани ҳақидаги сарғайиб йиртилиб кетай деган маълумотномани кўздан кечираман. Шу бир парча қоғозда отамнинг қанча уйқусиз тунлари, дард чеккан кунлари, кўнглидан ҳайдаган нохуш ўйлари, юрагини тўдирган ёруғ орзулари мужассам. Маълумотномага имзо чеккан госпиталь бошлиғи майор Беляев менга қондошдай, отамга мендан кўра яқинроқдай туюлади.

Урушдаги жароҳат туфайли ногирон бўлиб қолганига қарамай отам турли соҳаларда фаолият юритдилар. Қаерда ишлашларидан қатъи назар маъсулият

билан ҳалол меҳнат қилганлари учун қатор ёрлиқлар олган эканлар.

Ҳукуматимиз отамни унутмади, уруш фахрийлари қаторида бир қатор орден ва медаллар билан тақдирлади. Ўзлари жанг қилган Беларуснинг Псков вилоятига 1989 йили бориб, сиҳатгоҳда дам олиб қайтдилар. Падари бузрукворимга 1995 йили муқаддас Ҳаж сафарига бориш насиб этди. Буюк Ҳалабанинг 65 йиллиги муносабати билан Москва шаҳрида бўлиб, бир олам тасуротлар билан қайтдилар. Узок умр кечириб, 92 ёшларида вафот эдилар.

Муҳтарам Президентимизнинг Ҳалабанинг 72 йиллиги муносабати билан юборган табрикномаси отамнинг охириги кунларида кўнглини тоғдек кўтарган эди. Кўзларига ёш қалқиганини яхши эслайман.

«Қадри ва муҳтарам Ҳикмат Сағдуллаев! Бутун инсоният тақдирини ҳаф остида қолган суронли бир даврда тинч-осойишта ҳаёт, мусаффо осмон, фарзандларимизнинг ёруғ келажаги учун жасорат ва матонат кўрсатганингиз, тинч меҳнат йилларида эл-у юртимиз равнақи йўлида фидокорона хизмат қилганингиз барчамиз, айниқса, ёшларимиз учун ҳақиқий ибрат мактабидир.

Ўз умрини она Ватанимиз, халқимиз озодлиги, унинг тараққиёти ва фаровонлигига бағишлаган Сиздек азиз ва қадри юртдошимиз билан биз доимо фахрланиб, гурурланиб яшаймиз».

Марғуба САГДУЛЛАЕВА

Қалбимизда мангу қолажак

Навоий шаҳридаги 2-мактабда таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси шаҳар кенгаши ҳамда шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бўлими ҳамкорлигида билим масканининг собиқ ўқитувчиси Боймурод Камолов хотира-сига бағишлаб волейбол мусобақаси ташкил этилди.

Мусобақа натижаларига кўра, 12-дават иттиҳослаштирилган умумтаълим мактаби жамоаси 1-, 2-мактаб жамоаси 2- ва 11-дават иттиҳослаштирилган умумтаълим мактаби жамоаси 3-ўрин соҳибига айланган.

— Дунёда шундай инсонлар борки, улар меҳнати ва эл

олдидаги хизматлари туфайли яқинлари ҳамда касбдошлари қалбиди мангу яшайди, — дейди 2-мактаб ўқитувчиси Собира Эшнӣёзова. — Боймурод Камолов ана шундай дарғалардан эди. Устоз 1985 йилдан 2018 йилга қадар 34 йил давомида таълим соҳасида фаолият юритди ва минглаб шогирд қолдирди. Касбига содиқлиги, фидойилиги, Ватанга меҳр-у муҳаббат билан бошқаларга ўрнак бўлди.

Ғолиблар ҳамкор ташкилотлар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дилафрўз ЎРЗОВА,
«ISHONCH»

Хоразм вилояти

Эзгу ният ҳамиша барҳаёт

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Хонқа тумани кенгаши мутасаддилари туман ҳокимлиги, мудофаа ишлари бўлими, Ёшлар иттифоқи туман кенгаши билан ҳамкорликда худда истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олишди.

Ражаб ота Фойибов 95 ёшда. 1942 йилда — энг гуллаган ёшлик чоғида Ватан ҳимояси учун отланди. 1943 йил 15 декабрда 11 жойидан яраланди. Навқирон йигит 1944 йил августда юртга қайтганида биринчи гуруҳ ногирони эди. Ражаб ота ёшлигини бой берганидан афсусланмайди. Аксинча, юрт тинчлигини сақлашга ҳисса қўшганидан гурурланади.

94 ёшли Рўзмамат ота Жуманиёзов ҳам биринчи гуруҳ ногирони. У киши тинчликнинг қадри ҳақида кўп сўзлайди, дориламон кунларга шукрона келтиради.

Корақош қишлоғида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Қўшназар Раҳимов бир кам тўқсонни қоралади. Бу инсон урушнинг сўнги кунига қадар жанг қилган.

Бир пайтлар қурол билан юртни, халқни асраган қўлар бугун дуога очилган. Истақ ва ниятлар эса ўша-ўша: — Осмонимиз мусаффо бўлсин, тинчлигимизга қўз тегмасин, мамлакатимиз тараққий этсин, ёш авлод бахтли-саодатли бўлсин, биз кўрган кунларни кўрмасин!

Руслан БОБОЖОНОВ, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Хонқа тумани кенгаши раиси

Тошкент шаҳри

«Эл ардоғидамиз»

Пойтахтимизда умргузаронлик қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, кўпалаб орден ва медаллар соҳибига Қирғизбой ота Камолов хонадонига бўлиб, тинчлик деб аталмиш буюк неъматнинг қадри қанчалар юксаклигини яна бир қарра ҳис қилдик.

Қирғизбой ота бир нафас тин олиб уруш хотираларини эслади:

— Ўшанда 19 ёшда эдим. 1942 йилда Саратов областининг Пугачев шаҳридаги 66-танкчиларни тайёрлаш билим юртига юборилдик. У ердан сержант унвони билан жанг майдонига йўл олдим. Машинист-ўқчи сифатида неча минг

километрларни босиб ўтдим. 1945 йилда Австрияда Вена шаҳрини озод қилишдаги жанглarda танкизмиз портлаб, оғир ярдор бўлганман. Бир неча ой госпиталда даволаниб, яна жанг майдонига қайтдим. 1945 йил 8 май кунини Прагани озод қилдик. Уруш тугаган бўлса ҳам давр тақозоси билан хизматни давом эттиришимга тўғри келди. 1947 йилдагина Ватанимга қайтиб келдим.

Ҳа, жон олиб жон берган бундай инсонлар бугун юртимиз ардоғида. Уларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан 96 ёшли Қирғизбой ота ҳам ғоят мамнун.

Дилбархон УМУРЗОҚОВА

Тошкент вилояти

Фаровон ва осуда кунлар шукронаси

Нурафшон шаҳри «Наврўз» маҳалласида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ражаб бобо Мажидов шу кунларда 100 ёшни қаршиламоқда. Нуруний отахон бу кутлўг санани бир қиз, тўрт ўғил, 12 набира ва 9 чевара даврасида нишонламоқда.

Ражаб бобо Мажидов мактабда ўқиб юрган вақтида чилангарлик хунарини пухта ўрганган. Яқин атрофдаги маҳалла аҳли бу қўли гул устанинг уйига тақа қоктириш учун отларни келтиришар, пайвандлаш ва таъмирлаш мақсадида ўша замондаги трактор ва турли хил асбоб-ускуналарни олиб келишар эди. Шу боис, урушнинг

биринчи йилларида моҳир темирчи фронт ортида фидокорона меҳнат қилди. Бироқ, жанг майдонларида вазият оғирлашган, юртдошимиз қўлига қурол қаршиламоқда. Нуруний отахон бу кутлўг санани бир қиз, тўрт ўғил, 12 набира ва 9 чевара даврасида нишонламоқда.

Урушдан сўнг ҳам қарийб 50 йил эл хизматида бўлди. Бугун отахон фарзандлари ва эл ардоғида осуда ва фаровон ҳаётга шукрона келтириб, умргузаронлик қилмоқда.

Ҳ. УБАЙДУЛЛАЕВ

Бухоро вилояти

Ёднома

Тошкент шаҳри

Фахрийлар — фахримиз

Ўша суронли, оловли йилларда турмушнинг бутун маънавиятини тотиб кўрган, норасида ҳолида фронт ортида меҳнат қилганлар орасида Зиёдулло Тиллов ҳам бор. Айни пайтда Бухоро шаҳридаги «Дилқушо» маҳалласида яшаётган бу отахон бизга уруш даври хотираларини сўзлаб берди:

«Тирик қолиш учунгина яшаганмиз»

— Отамни эслолмайман. Онам ва опам билан Бухоро туманидаги «Маданият» колхозида яшардик. Уруш бошланганда саккиз-тўққиз ёшларда эдим. Қурол ушлашга қўрби етадиган йигитларни фронтга олиб кетишди-ю, барча юмушлар кексалар-у аёллар, биз, болаларнинг бўйнида қолди. Техника йўқлиги боис чигит экишда, культивация ишлафарида омондан фойдаланардик. Менинг ўзим Зарафшон дарёси бўйида ярим йилча ўнта ҳўкизни боққанман. Кейин жониворларни омонга қўшиб, ер ҳайдаганман. Ҳозир шуларни ёшларга гапириб берсам, ҳали ўнга ҳам қирмаган болаканинг қўшчилик қилганига улар ишонмайди. Аммо ростдан ҳам шу ишлар бошимиздан ўтган. Чунки биз бунга мажбур эдик-да!

Фронтдагилар учун кийим-бош топширатганимиз, бор-бидимизни берганмиз. Лекин ҳаммадан ҳам оғири қорин тўйдириб, оқдан ўлмаслик эди. Кепакни, чигитни, яна аллам-бало нарсаларни қовуриб еганмиз. Ўт, бедани қайнатиб, жон сақлаганмиз.

Эсимда, бир гал Чоржўйда ун тарқатилаётгани ҳақида гап қилиб қолди. Поездга беки-тиқча осилиб, ўша ёққа бордик. Билсак, у ерда бугдой уни эмас, жўхоридан қилинган ҳам-мир берилётган экан.

Аҳвол шу даражада эдики, одамлар кўча-қўйда, ҳовлиларда очликдан, касалликдан жон берарди. Йўлларда чўзилиб ётган мурдаларни ўз кўзим билан кўрганман. Уларни ҳатто дафн этишга ҳам киши топи-

мас, кўпинча, ўликларни тўплаб, бир ерга қўмишарди.

Қишлоғимизда Чош бобо исмли нисбатан тўқроқ киши яшарди. Мен, оила аъзоларим ва бошқалар айнан ўша одам сабаб қаҳатчиликдан омон қолганмиз. Ишларини бажарганимиз эвазига у бизга егулик берарди. Хуллас, тирик қолиш учунгина яшаганмиз.

Ҳамма уруш тугаганини кутар, фронтдан келаётган «қора хат»ларнинг эса кети узилмасди.

Бир йили колхозимизга фронтдан рус, украин, поляк ва шу каби турли миллатга мансуб юзлаб одамларни кўчириб келтиришди. Уларнинг бари аёллар, болалар эди. Ўпун кийинган, ярим яланғоч, оч-наҳор... Уларни уч юз ҳўжалиқдан иборат қишлоғимиздаги хонадонларга жойлаштиришган. Бизнинг уйимизда роппа-роса ўн беш нафар қочкин турган. Ўзимизнинг афтода ҳолимизга қарамай, уларга имкон қадар ёрдам берганмиз.

Ҳа, мен болалик чоғимда шундай кунларни кўрдим. Эл-лигининг йилларида Кавказда ҳарбий хизматни ўтадим. Юртимга қайтган, Бухоро шаҳри милиция бўлимига ишга кириб, кўп йиллар ҳайдовчилик қилдим. Оила қуриб, уч фарзанд кўрдим. Ҳозир ўн икки набирам, ўн бир абирам бор. Шу кунларга етганимга шукроналар қиламан. Илоҳим, Ватанимизга, мусаффо осмонимизга, тўқис турмушимизга кўз тегмасин.

«Ishonch» мухбири
Рустам ИБРАГИМОВ
ёзиб олди



Эъзоз-эҳтиромдан яйради диллар

Пойтахтимизда Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва бир гуруҳ ёшлар иштирокида тадбир ташкил этилди. «Нуруний» жамғармаси бошқаруви раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажоннова тадбирни очиб берар экан, фахрийларни байрам билан муборакбод этди.

Нурунийларга ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди. Шунингдек, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси ҳисобидан тайёрланган 45 дона, умумий нархи 9 млн. сўмлик махсус дори-дармон олиш учун сертификат тарқатилди. Ўзбекистон халқ артисти Мансур Тошматов, Марям Сатторова, Хурият Исроилова, Хайрулла Лутфуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Марат Ҳакимов, Мақсадхон Юнусова ва бошқа санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар кўнгиллarga завқ улашди.


Юртимизда 3,5 миллион пенсионерлар умргузаронлик қилишаётган бўлса, уларнинг

878 нафари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, 29 минг нафари эса меҳнат фронти фахрийларидир. Катта ҳаёт тажрибасига эга бу табаррук отахон ва онахонларни «Нуруний» жамғармаси фаолиятини ривожлантириш ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнига жалб этиш доимий эътиборда.

— Халқимиз азалдан ҳар бир масалада кўпни кўрган, табаррук ёшли инсонлар билан кенгашиб иш кўрган, — дейди Муҳаббат ая Раҳимова. — Бу анъана бугунгача яшаб келаётгани бизни хурсанд қилади. Кексаларга эътибор деганда мен, биринчи навбатда, шу нарсани тушунаман. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир нуруний чин маънода бахтли, десам янглишмайман. Чунки, ҳар доим бизни йўқлашади, ғамхўрлик кўрсатишади, дуоларимизни олишади.

Тадбирда сўз олган нурунийлар Президентимиз томонидан кексаларни эъзозлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилаётган кенг эътибордан бениҳоя хурсанд эканини эътироф этишди.

Комила БОЙМУРОВОВА,
«ISHONCH»



Фарғона
вилояти

Учрашув



Тинчлик сабоқлари

Бугунги кунда вилоятда 84 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси яшамоқда. Уларнинг етти нафарини аёллар ташкил этади. Ана шу ўзоқ умр кўриб, бугунги кунда эл-у юрт ардоғида яшаётган уруш фахрийларининг икки нафари – Кенжабой Эгамқулов, Зиятали Бозоровлар Бувайда туманида истиқомат қилади.

Байрам арафасида Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Бувайда тумани кенгаши томонидан тумандаги уруш ва меҳнат фахрийлари йўқланди.

Туман халқ таълими бўлими мудир Адҳамжон Умаров бошчилигида бир гуруҳ ўқитувчилар дастлаб Кенжабой

ота Эгамқулов хонадонидан бўлиб келди.

Кенжабой ота ўн олти ярим ёшида урушга юборилгани, Беларусни озод қилишда қатнашиб, жангларда кўплаб дўстларини йўқотганини гапириб берди. Шунингдек, отанинг олдига кўпгина мактаб ўқувчилари ҳам ташриф буюриб, уруш

хотираларини тингладилар.

– Мен тумандаги 5-мактабнинг 1 «Е»-синфи раҳбари Гулчеҳра Абдуллаеваман, – деди бир гуруҳ болалар билан келган ўқитувчи. – Бизнинг асосий вазифамиз ўқувчиларимизни ватанпарварлик ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдир. Эзгу мақсадларимиз рўйбени мана шу жажжи болаларда кўрар эканмиз, энг аввало, уларга шахсий ибрат, намуна кўрсатишимиз керак. Болалар уруш ва тинчлик, озодлик ва тутқунлик, қийинчилик ва йўқчилик каби сўзларни нафақат китоблардан, балки Кенжабой ота каби нуруний кексаларимиздан ўрганса, уларнинг онгига бу тушунчалар мангу мухрланади.

Шунинг учун биз ўқувчилар билан бирга Кенжабой Эгамқуловни йўқлаб келдик. Ота бизга уруш даҳшатларини, ўзи кўрган қийинчиликларни, ярадор бўлганида дўстининг садоқати, меҳр-у муҳаббати туфайли омон қолганини гапириб берди. Туманимизда уруш

иштирокчиларидан фақат икки нафари қолибди. Биз бу кишилардан янада кўпроқ хотираларни эшитиб, бу қирғинбарот урушнинг инсоният бошига солган даҳшатини тўлиқроқ ҳис қилишимиз керак. Сабаби, ана шундай қийинчилик ва очарчилик, ёмон кунларни унинг гувоҳидан эшитган ўқувчиларда бугунги тинч ва осуда кунларимизнинг қадрига етиш туйғуси шаклланади. Шу йўл орқали уларда шукроналик ҳиссини тарбиялаймиз.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Бувайда тумани кенгаши вакиллари, шунингдек, нафақат тумандаги, балки республикадаги энг ёши улуг инсон – 124 баҳорни қаршилаган Хувайдо момо Умарова, таълим ва маданият соҳасида меҳнат қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган 25 дан зиёд фахрийлар хонадонидан бўлиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

Ҳикмат

Бизга ота-оналар, болалар, яқин хеш-ақраболар қимматлидирлар; лекин муҳаббат бобидаги барча тасавурларимиз биргина «Ватан» отли сўзда мужассамлашгандир.

ЦИЦЕРОН



Азиз юртдошлар, муҳтарам фахрийлар! Сизларни жонажон Ватанимизда кенг нишонланаётган 9 май – Хотира ва қадрлаш кун муносабати билан чин юракдан қутлаймиз. Бутун дунёда миллионлаб инсонлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар олиб келган Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлганини ҳеч ким, ҳеч қачон унутмайди, албатта.

Шу урушга яқун ясаган, тинчлик деган неъматни бизга қайтарган, бугунги тинч-осойишта ҳаётимизга замин бўлган ғалаба кун барчамизга муборак бўлсин! Хотиржам ҳаётимиз, юртимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида олиб бораётган самарали ишларингизга омадлар мудом ёр бўлсин!

Хонадонларингиздан ҳеч қачон файз-у барака аримасин! Юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!



ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСБА УЮШМАСИ САМАРҚАНД ШАҲАР КЕНГАШИ

Муқаддас қадрият

101 нафар ўзбек жасорати

101 нафар аскар. Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар Голландияга олиб келган ўзбек ўғлонлари. Улар Амерсфорт лагерида Геббелс сценарийси бўйича немис аскарларининг руҳини кўтариш мақсадида муҳим қўғирчоқлар бўлиши керак эди. Бироқ бу режа чиппакка қикди. Ўзбеклар уларнинг ноғорасига ўйнамади.

1941 йили. Смоленск остонасида бўлган жангда Совет армияси катта йўқотишни бошдан кечирди: кўплаб аскарлар ҳалок бўлди, қолганлари асирга тушди. Асирга тушганлар ва концлагерга олиб кетилган аскарлар ичида ўзбеклар ҳам бўлган. Улар Европа бўйлаб пиёда олиб ўтилди ва ўлим лагерига тутқин этилди. Лагерлардан бири Голландиядаги Амерсфорт номли машҳур макон эди.

Бир кун бу ерга махсус поездда юзлаб совет аскарларини келтиришди. Улар орасида 101 нафар ўзбек бўлиб, улар Самарқанд эшелонидан урушга жўнатилган минглаб аскарлардан омон қолганлари эди. Ўзбеклар Смоленск остонасига қадар мардона жанг қилишган, охири гранада ва патронларини ишлатишган, қуроллари тугагач, совуқ ўрмонда оч-наҳор аҳволда асир олинган.

Асир олинган голландлардан бири ўз кундалигида шундай ёзган эди: «Ўзбеклар русларга ўхшамасди, ўрта бўй, буғдойранг, бодомкўз бўлишди. Улар Урта Осиёдан келишган. Уларни бошқалар каби баракка эмас, атрофи

тўсилган, очиқ осмон остига алоҳида қилиб жойлаштиришди».

Ўзбекларга бўлган муносабат бошқача эди: уларни бошқа асирлар каби овқатлантиришмас, энг оғир ишларга жалб қилишар, сўнг таёқ билан калтаклашарди. Нацистлар уларни одам эмас, деб аташарди. Бир муддатдан сўнг лагерга катта гуруҳ келди. Улар ичида энг яхши немис кино операторлари ва режиссёрлари бор эди. Чироқ, камера, стоп! Ушбу буйруқ ўзбекларга берилди. Баланг бўйли, кўркем, олтинсоч, мовий кўз, журнал муқовасидан чиқиб келгандек кўринадиган кино ижодкорлари эса офтобда қорайган, таққирланган, очнаҳор асирлар олдида савлат тўкиби туришарди. Шу пайт бир машина келиб тўхтади ва юкхона очилади. Атрофни янги пиширилган бўрсилдоқ нон иси тутди. Бундан ҳатто қорни тўқ немислар ҳам ютиниб қўйишди.

Бу жоҳиллона режанинг кульминацияси шу нон билан боғлиқ эди. Нон камера кўз ўнгига ўзбек асирлари ичига ташланади. Бу Рейхнинг буюк кинокартинаси бўлиши керак эди. Асирлар ҳайвондек бир-бирини итариб нонга ташлаишлари кутилаётганди. Бу саҳна ўз

аскарлари учун ибратли материал бўлишини назарда тутишганди: бу маҳлуқларга нисбатан раҳм-шафқат қилманг, улар одам эмас!

Аммо... вазият улар кутгандек бўлмади. Уларга ташланган нон майдоннинг ўртасида турар, ҳеч ким жойидан жилмасди. Асирлар ичида энг ёши нонга қўл узатади. Сукунат. Нонни секин олиб, уч марта ўпади, пешонасига суради. Сўнг энг каттасига тутқазади. Кейин ўзига тегишлисини олади, талашмайди. Ҳар бири ўзига қўлма-қўл узатиб кўзларини юмган ҳолда секин чайнайди. Ҳар бири ўзига тегишлисини олади, талашмайди.

Немислар ғазабдан титраб кетишди. Айрим тарихий маълумотларга кўра, суратга олиш ишларини кузатиш учун шахсан Геббелс келган. Унинг режасига мувофиқ, Москва жанги олдида у руҳи тушган немис аскарларини шу кинокартина орқали жангга тайёрламоқчи эди. Фашистлар Смоленскни қийинчилик билан забт этишди. Бир ой давомида деярли бутун давлатни эгаллашди. Гитлер буёғига ҳам марра уники бўлиши учун нимадир ўйлаб топишни амр қилганди. Шунда Германия ташвиқот министри Йозеф Геббелс душманларни аянчли ва таққирланган аҳволда ўзиникиларга намойиш этиш режасини тузганди. У кичик ролик ишлаб, унда совет аскарлари бир бўлак нон учун бир-бирини ўлдиришга тайёрлигини кўрсатмоқчи бўлади.

Бу саҳнани суратга олиш учун атайин европача ташқи қиёфадан йироқ асирлар тан-

ланди. Уларнинг ташқи кўриниши ҳам ҳайвонсифат алфозга келиши керак эди, шу сабаб оғир меҳнат ва калтакларга қўйилди, оч қолдирилди. Шунга қарамай Геббелснинг аянчли режасини ўзбек ўғлонлари чиппакка чиқарди. Бирдамлик, бир тан-у бир жон бўлиш, шукроналик, оқибат, нон ва ватанга бўлган чексиз ҳурмат-у муҳаббатларини намойиш қиладилар.

Омадсиз тажрибадан сўнг 101 нафар ўзбек шафқатсиз йўқ қилинди. Улардан 77 нафари 1942 йил апрель ойида ўрмонда отиб ўлдирилди. Уларнинг сўнгги сўзлари Ватан ҳақидаги қўшиқ бўлган. Асирлар баланд овозда ўз она тилида мардона қўшиқ қуйлашди ва калима келтиришди.

Отишма ҳақида бирор гувоҳ ёки ҳужжатлар қолмаган. Немислар ҳеч қандай хотира қолмаслиги учун ҳатто асирлардан тушган тишларни ҳам йўқ қилишган. Орадан ярим аср ўтган, журналист Ремко Рейдинг бу ҳодисани ўрганди. Анвар Эргашев ва Юлия Медведская эса бу тадқиқотлар асосида «101» номли асар ёзди. Ҳозирда ҳалок бўлган ўзбек аскарлари ҳақида бадий фильм ишлаш режаси тузилмоқда. Энг яхши сценарийлар лойиҳага жалб этилди. Фильмнинг 2020 йилда катта экранларга чиқиши режалаштирилган. Мард ўғлонларимиз ҳақидаги ушбу бадий фильм ёшларга катта ибрат бўлиши шубҳасиз.

Ноҳирабегим ИБРОҲИМОВА тайёрлади.

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. **Норхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,

АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Қоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Т. Шернаев

Мухасши:

С. Шодиева

Саҳифаловчи:

Х. Абдуқалилов

ЎЗА ақуни – 18:20

Тошхирлиди – 20:20

Газета офсет усулида,

А-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

Буюртма Г – 517.

30112 нускада босилди.

Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 6